

Хатми Қуръон дуосига шошилайлик!



21:00 / 19.05.2020 2027

Бугун, 19 май дуолар ижобат бўладиган – Қадр кечаси куни юртимизда хатмоналарнинг якуни бўлади. Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Усмонхон Алимов бошчилигида уламолар ва ҳофизи Қуръонлар мана шундай хатми Қуръонларнинг якунини ўқиб, дуою-тазаррулар қиладилар.

Онлайн хатми Қуръонларнинг хатмона дуоси 19 май куни соат 22:15 дан бошлаб жонли эфирда ташкил этилади. Хатмона тадбири интернет сайтлари, ижтимоий тармоқлар орқали онлайн намойиш этилади. Ушбу тадбир «Uzreport» телеканалда тўғридан-тўғри, қолган каналларда эса ёзиб олинган ҳолда эфирга берилади.

Ушбу хатми Қуръонни қуйидаги ҳаволалар орқали онлайн узатишни тавсия этамиз:

Фейсбук

https://www.facebook.com/muslimuzportal/?ref=aymt_homepage_panel&eid=ARDLMpyvE

Ютуб <https://www.youtube.com/channel/UCLbdL0ibb4zqlqe7LRNOSNQ>

Uzreport <https://uzreport.news/livehttps://uzreport.news/live>

ITV.UZ <https://itv.uz/#!/muslim>

Ҳадиси шарифда айтилганидек, хатми Қуръондан кейинги дуо ижобат. Ҳазрати Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ким Қуръонни хатм қилса, унинг дуоси ижобатдир»**, деганлар.

Имом Табароний ривояти.

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳу Қуръонни хатм қилсалар, оиласини тўплаб, дуога «омин» деб туришларини буюрар эдилар. Саҳоба Анас ибн Молик розияллоҳу анҳу ҳар гал хатм қилганида оила аъзоларини жамлаб, биргалашиб жамоавий дуо қилар эдилар.

Абдуллоҳ ибн Аббос Қуръон ўқийдиган қориларни суриштириб, қачон хатм қилишини сўраб олар экан. Хатм қиладиган куни бориб, дуосига шерик бўлар эканлар.

Шундай экан фурсатни ғанимат билиб, барчамиз оила-аъзоларимиз билан биргаликда ушбу хатми Қуръон дуосига «омин» деб турсак, барча қилинган дуолар айна дамда бизнинг ҳақимизда ҳам битилади, инша Аллоҳ.

Шунингдек, «Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф» жоме масжиди имом ноиби Ҳасанхон Яҳё Абдулмажид томонидан ўқиладиган Қуръони Карим хатмининг якунини биргаликда тинглаб, хатми Қуръон дуосида ҳозир бўлишга таклиф қиламиз.

Қадр кечаси барчамизга муборак бўлсин.

Islom uz портали